

Зармитанга етиб борганимизда, маҳалланинг Шимол-Гарб томонидаги 1-шахтада ташвишли ҳолат рўй берганини айтишди. Шахта столы (диаметри 4 метр, чуқурлиги 250 метр бўлган, девори айлана темир-бетон билан қопланган вертикал хандак)нинг пастдаги лаҳмларини сув босаётган экан. Ишчилар юқорига соғ-омон, беталофат чиқарилибди. Энди ҳамма гап кучли насослар ёрдамида тўпланаётган ер ости сувларини юқорига тортиб чиқариш, лаҳмини тозалаш ва кидирув ишларини давом эттириб, олдинда кўйилган вазибаларни бажаришда экан.

«Самарқандгеология» трести бош муҳандиси Бахтиёр Абдуқолиқов ва бош механик Анатолий Васильков етиб келишган, тезкор суръатда экспедиция инженер-техник ходимларининг табиий офат оқибатларини тугатишга бағишланган оператив йиғилиши ўтказилди. Экспедициядаги ишлаб турган насослар, шамоллатиш воситалари, бошқа зарур асбоб-анжомлар ҳисоблаб чиқилиб, ҳулоса чиқарилибди, корхонанинг ички резерви ва имкониятлари маъқул табиий офатни бартараф этиш учун етарли эмас. Авария ҳолатини тўхтатиш ва парамовчилар ишини тўлақонли изга солиш учун бошқа жойлардан вақтинча

ГЕОЛОГЛАР

ёрдам сўраш зарур. Бундай ҳолатлар ер ости ишларида тез-тез учраб туради, дейди шахта техник раҳбари Баҳром Эргашев. Ҳудди таёкнинг икки учи бўлгани сингари, бу бир томондан геология кидирув ишлари суръатига салбий таъсир этса, иккинчи томондан ер устига сув чиқарилиб, янги экин майдонлари, боғ-роғлар бунёд бўлишига олиб келади. Бир вақтлар, Катта-қўрғон шаҳри яқинидаги «Ингичка» қўрғонда шахта курилган пайтда ер қазириш сув чиқарилиб, қўрғон атрофи яшатиб юборилган

Диёримиз зар туйнуқлари

ди. Эндиликда бу ердан камсифат ва камқиймат жинслар чиқа бошлагани учун шахта ёпиб қўйилди. Матжадада 10-15 гектарли ҳосил бериб турган боғлар қовжирай бошлади. Ингичкаликлар боғларни сақлаб қолиш учун,

гапириб беришни сўради. Унинг айтишича ҳудудий жинслар, савдо дўконлари, турли хизмат нукталари, новвойхона ва умумий овқатланувиш ва умумий овқатланувиш шаҳобчалари ишлаб турибди. Ишчи-хизматчилар ойлик маошлари ва мукофотларини ўз вақтида олиб туришибди.

Ҳудуд тоғ тизмаларининг жанубий қисмидаги қирлар орасида жойлашган 1-шахтани бориб кўрдик. Даставвал шахтанинг бошқарув идораси биносиди бўлди. Бир қаватли бу бинонинг атиги 2-3 хонаси маъмуриятга ва мутахассисларга тегишли бўлмас, қолган

Касаба уюшма ва маъмурият ҳамкорлиги

Абдурахмон ака чамалаб кўрса, умрининг чорак қисмини дорилфунун хизматига бағишлади. Тонг қоронғисиди уйғониб, маъмурий бино саҳнига сеюб қилиб сув сепар, супириб-сидириб чиннидек яраклатиб кўярди. Сўнг белбоғига тоқ қайчини қистириб, елкасига кетмонини ташларди-да, қўлида оҳак солиingan челоқни кўтариб ишга чиқарди. Гулларга сув тарар, ҳар бир дарахт остини юмшатар, кейин оҳак билан оқлар, ортиқча новдаларни кесиб шакл беради.

Хотиралар уни узоқ-узоқларга бошлади, ишонханди кадрдонлар, қариянинг назаридан ўта бошлади. Шу пайт ҳаёли бўлинди. Кўча дарвоза томонда машина тўхтагандек бўлди. Кўп ўтмай ҳовлига меҳмонлар кириб келишди. Улар орасидан касабакўм раиси Абдулҳаким Ҳакимовни Абдурахмон ака дарҳол таниди. Очiq чехрли, кўзлари қулиб турган басават кишини Сўрихонидин Зайнобидинов деб таништиришди.

Ректор университетда Наврўз тантанаси боис жамоада байрам оши берилаётганини, нурунийлар учун алоҳида дастурхон тузалгани ҳақида гапириб, Абдурахмон акани ушбу тадбирга таклиф қилди. Меҳмон хануз ўзини ректор бошлиқ хайвот йўлга келганига ишонини ҳам, ишонмаслигини ҳам билмасди. Бироз ўтгач касабакўм раисининг ишораси билан

Тадбиркорга ҳамма мададкор

Сизларга қатта раҳмат, - деди чорвачиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиги раиси Дадажон Масидиков. - Кийналиб турган вақтинда қатта ёрдам қилдинглар, қўллаб-қувватладинглар. Энди бу трактор пуғи билан бизга кўп йиллар хизмат қилади. Гап шундаки, «Ўзагрорсуғурта»нинг Оҳангарон тумани бўлими томонидан миҳозларга қўллаб янги хизмат турлари таклиф этилган. Бу ҳақда бўлим раҳбари Облоқул Турматов шундай дейди:

Асосий фаолиятимиздан ташқари мулкчилик шаклидан қатъи назар корхоналар, ширкат ва фермер ҳўжаликлари, хусусий тадбиркорларга кредит маблағлари олишда ёрдам бериш ҳам асосий мақсадларимиздан биридир.

МИҲОЗЛАРГА ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

Маълумки, тадбиркорлар ёки фермер ҳўжаликлари кичик цехлар, техника воситалари сотиб олишлари учун қўшимча маблағ керак. Банкдан кредит олиш учун эса кафолат талаб этилади. Шундай вақтда биз ёрдамга тайёрмиз. Аникроғи, кафолат учун етишмаётган маблағ миқдорини зиммамизга оламиз. Ҳозиргача эшигимиздан ҳеч ким норози бўлиб чиқиб кетмаган. Масалан, туманимизда фаолият юритаётган «Жондор», «Масидик ота», «Примкулов» фермер ҳўжаликлари янги трактор сотиб олиш учун ёрдам сўраб келдилар. Биз уларга суғурта маблағлари имконияти даражасида ёрдам бердик.

Қарши туманидаги «Юлдуз-чевар» кўп тармоқли ишлаб чиқариш корхонасида 40 нафардан ошiq киши меҳнат қилади. Жамоа ўтган йили турли ташиқилотлар ва аҳолига 20 миллион сўмликка яқин маҳсулот етказиб берди. Жорий йилда бу кўрсаткични икки баробарга ошириш мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда бу ерда хотин-қизлар учун мўлжаллаб тиклаётган кўйлақлар, халатлар, эркаклар учун



ХОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

сиёсий ва ижтимоий фаолиятини оширишда уларни иш билан таъминлаш муҳим ўрин тутади. Фаргона вилоятининг Даянгар тумани хотин-қизлар кўмитаси бу масалага жиддий эътибор қаратмоқда. Хотин-қизларни иш билан таъминлашни такомиллаштириш мақсадида тикувчилик, зардўзлик, каштакчилик билан шуғулланаётган аёлларимизга қулай шартот яратиш, уста-

тикалаётган костюмшарлар, турли хил автомобил чехол-поликлари сифати ва арзонлиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Шу боис корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб кундан-кунга ошиб бормоқда.

Суратларда: тикувчилар Гулнара Йўлдошева ва Мавлуда Маҳмудова; тикувчи Маргуба Сафарова.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган суратлар

лан йўқовчилардан бири ташқари йўналди. Яп-янги велосипед билан қайтиб келди. Велосипед билан бирга Абдурахмон акага сихатгоҳга бепул йўлланма, 40 минг сўм моддий ёрдам пули ҳам байрам соғваси сифатида топширилди. Шу кун нуруний оиласидаги қувондан барча маҳалладошлари оғоҳ бўлди. Абдурахмон ака ҳалол меҳнат ҳеч қачон ёрда қолмаслигига яна бир бор имон келтирди. Ана шундай дийдорлашув маросимлари Андижон Давлат университетига меҳнати синган Ф. Абдуллаев, А.Қосимов каби фахрийларнинг хонадонларида ҳам бўлиб ўтди. Бундай хайрли тадбирларни ўтказиш олийгоҳда аёнанага айланма қолган. Негаки ишчи-ҳодимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба ёшларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш жамоа шартномаси билан кафолатланган. Ижтимоий муҳофазанинг асосий шартини - меҳнати рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Илмий изланишлари ишлаб чиқаришда юксак самара бераётган, талабаларни мушакил фикрлашга йўналтираётган профессор-ўқитувчиларнинг маошларига устамалар тўлаш жорий этилган. Эътиборлиси шуки, С.Зайнобидиновнинг археология фани юзасидан олиб бораётган илмий тадқиқотлари олмонийлик ҳамкасбларда катта қизиқиш уйғотди. Яқинда Германия ҳукумати халқ таълими вазирлигининг таклифи билан ўз тақрибалари юзасидан ҳамкасблари билан ўртоқлашиб қайтди. Шунингдек, Абдулҳамид Нурмонов, Алишер Тешабоев, Толибжон Мадумаров каби олимлар фанининг фундаментал соҳаларида қўқор илмий изланишлар олиб боришмоқда.

«Миллий истиқлол гоёси» фанини ўқитиш бўйича университетда олиб борилаётган маънавий-маърифий ва ташкилий тадбирлар диққатга сазовор. Уқувсеминар машғулотларида таълим-тарбиянинг таъсирчан воситалари, инновацион технология воситаларидан унумли фой-

«АДОЛАТ ҚУТИСИ»

дан ҳудди шу тариқа фойдаланиб келган. Таъминотчилар бунга панжа орасидан қарашган. Биз ҳукумат қарори асосида электр энергиясидан қарздорлик аҳолини ўрганиб чиқганимизда, Самарқанд электр тармоқлари берган маълумотда умумий қарз 5 миллиард 112 миллион 823 минг сўм эканлиги қайд этилган. Ҳақиқатда эса 15,5 миллиард сўмлик қарз мавжуд экан, - дейди Самарқанд шаҳар ДСИ бошқаруви 3.Аминов. - Электр энергияси таъминотила-рининг муросасозлиги аҳолини мураккаблаштириб юборган. Ҳозир 307 та истеъмолчи электр тармоғидан узиб қўйилиши керак. Аммо уларнинг бир қисми фаолиятни бемалол давом эттиряпти. Оқибатда ўтган бир ойда қарздорлик қарийб 80 миллион сўмга ошиб кетди.

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДАГИ «НОВАТОР» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИГА ГЕРМАНИЯНИНГ RWTVU СЕРТИФИКАТЛОВЧИ ХАЛҚАРО ИДОРАСИ ТОМОНИДАН СИФАТНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН

«Узстандарт» агентлигининг сифат тизимларини жорий этиш бўлими бошлиғи Рустам Юсуповнинг ЎЗА муҳбирига маълум қилишича, ҳозиргача ИСО 9001 халқаро стандартлари талаблари асосидаги сифат менежменти тизими сертификатига мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган қирқ уч корхона ва муассаса эга бўлган.

МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 июлдаги «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чоралари тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада белгиланган вазибаларни бажаришда муҳим омил бўлаётди. Айти пайтда қирқдан ортиқ ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхонасида маъқул тизимни татбиқ этишга қаратилган ишлар жадал давом этмоқда. Улар орасида «Фаргона қимёвий тодалар заводи», «Самарқанд лифтуқурилиш заводи», «Атлас», «Кварц», «Андижоннефт», «Биокимё», «Шахрисабзконсерва», «Косон ёғ экстракция» акциядорлик жамиятлари, «Сарбонтекс», «Силк Род», «Фармой», «Барак олам» каби қўшма корхоналар бор.

Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Оғриқ нуқталар

ҚАРЗЛАР ТўЛАНМАСА

таъминот қандай яхшиланади

Кундалик турмушда, ишлаб чиқаришда электр энергияси кўп миқорда истеъмол қилинади. Уни ишлаб чиқаришга давлатимиз қийинчилик ҳаражатлари кўпчилик ҳаёлига ҳам келтирмайди. Аксарият ҳолларда тўлов пайсалга солинади. Оқибатда вужудга келган қарздорлик жуда катта. Бунга барҳам бериш борасида Вазирлар Маҳкамасининг «Фойдаланилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб тизимини тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унга мувофиқ барча юридик шахслар электр энергиясидан фойдаланиш учун шартнома тузиши, талаб қилинадиган энергия қийматининг 30 фоизини олдиндан тўлаши, фойдаланилган энергия учун бир ой ичиди тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши ва бу жараённи назорат қилиш солиқ идораларига қўлатилиши белгилаб қўйилган.

Корор ижросини таъминлаш борасидаги ишлар бошланган, юридик шахс макомига эга бўлган истеъмолчилар қайта рўйхатдан ўтказилганда, 14 та уй-жой ширкати ўз қарзларини суд қарорига биноан тўлайдиган бўлди. Рақамлар ўжар бўлади, уларни инкор қилиш қийин. Электр энергияси тўлови бўйича Самарқанд қимё заводи, шаҳар «Сувоқава» ишлаб чиқариш бошқармаси ва Самарқанд қўрилиш материаллари комбинатларининг жуда катта миқдорда қарзи бор. Бундай йирик қарздорлар рўйхатига 16 та корхона киритилган. Суд ўз қарорини қабул қилди. Қарз суммаси албатта ундириб олинади.

Хуллас, ҳукумат қарори ижроси тўлиқ таъминланса, электр таъминоти тубдан яхшиланади.

Р. ҚУРБОНОВ, «Ишонч» муҳбири

Солиқ ва тадбиркорлик

шарти билан имтиёзлар берилган. Бунда улар маҳсулот ҳажми кўпайишидан олинган даромад ҳисобидан тўланадиган солиқдан озод қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «Самартексгилас» корхонаси солиқ имтиёзлари қўлланиши натижасида 20 миллион сўмга яқин маблағ ишлаб чиқаришга йўналтириш имкониятига эга бўлди. Шундай имтиёздан фойдаланган «Динамо» корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми 49,5 миллион сўмга ошди. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларига маҳсулоти қўшма маблағлар билан «Армат Льюс» МЧЖ ҳам ҳукуматимизнинг солиқ соҳасидаги имтиёзлар тўғрисида раванқ топиб борапти. Ишлаб чиқарилган товарлар (хизматлар)ни эркин алмаштири-

ИМТИЁЗ — ТАРАҚҚИЁТГА КАФОЛАТ

қалпоқ қишлоқларида ҳам тикувчилик цехлари очилди. Утган йили уч мингга яқин хотин-қиз иш билан таъминланди. 2005-2007 йилларда аёлларни иш билан таъминлашнинг асосий кўрсаткичи ва йўналишлари туман дастурида беш мингга яқин хотин-қизни иш билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу мақсадга янги қўшма корхоналар бунёд этиши, мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини қайта қуриш ва кенгайтириш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали эришилади.

Солиқ ва тадбиркорлик

шарти билан имтиёзлар берилган. Бунда улар маҳсулот ҳажми кўпайишидан олинган даромад ҳисобидан тўланадиган солиқдан озод қилинади.

Самарқанд шаҳридаги «Самартексгилас» корхонаси солиқ имтиёзлари қўлланиши натижасида 20 миллион сўмга яқин маблағ ишлаб чиқаришга йўналтириш имкониятига эга бўлди. Шундай имтиёздан фойдаланган «Динамо» корхонаси ишлаб чиқариш ҳажми 49,5 миллион сўмга ошди. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларига маҳсулоти қўшма маблағлар билан «Армат Льюс» МЧЖ ҳам ҳукуматимизнинг солиқ соҳасидаги имтиёзлар тўғрисида раванқ топиб борапти. Ишлаб чиқарилган товарлар (хизматлар)ни эркин алмаштири-

Р. РУСТАМОВ

Касаба уюшма спортчилари

Наманган вилоят касаб... 4-баладар ва ўсмирлар спорт мактабининг номи кейинги йилларда кўшни мамлакатларга ҳам танилди.

Олдинлари мактабимиз фақат спортнинг каратэ ва футбол йўналишларига ихтисослашган эди. Утган йилнинг май ойидан эътиборан бокс, байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича ҳам спортчилар тайёрлашга ўтдик.

ТОҚҚА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

интилиши қадамба-қадам ўз самарасини бермоқда. Чунончи, 2004 йилнинг март ойида АҚШнинг Атланта, май ойида Чикаго шаҳарларида бўлиб ўтган каратэ халқаро мусобақаларида мактабининг ёш спортчилари муваффақиятли катнашдилар.

фар спорт усталлигига номзод тайёрландики, бундан шу йўналишдаги бошқа жисмоний тарбияли спорт муррабйларидан Аюбхон Тожбоев тарбияланувчилари эришган ютуқларга ҳавас қилса...

уринларни забт этиб, чемпионат совриндорлари сафидан жой олишди. Яна бир кувончли жоҳати, А. Тожбоев шогирдларидан тўрт нафари 2005 йилда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоллигига қабул қилиндилар.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири

Ўтмиш садоси

Темур ва тумурлар ҳукмронлиги даврида йўриқ-шаҳарларда, масжид ва мадрасаларда ўнлаб кутубхоналар фаолият кўрсатган бўлиб, уларнинг пештоқларида "Билим олиш ҳар бир мусулмон аёл ва эркакнинг бурчидир" деган қалима ёзиб қўйилган.

Самарқандда қурилган Кўкғумбазда Соҳибқироннинг катта хазинаси ва кутубхонаси жойлашган. Унда шарқ халқлари тилларидагина эмас, балки лотин, грек, инглиз, француз ва бошқа халқлар тилларида ҳам нодир илмий, диний, дунёвий асарлар тўпланган эди.

СИРЛИ ХАЗИНА

ёхуд Амир Темур ва Мирзо Улуғбек китоблари қаерда?

ҳардан ташқаридаги форга берилган ва ер юзиде ёмонлик, ноҳақлик туғатган кутубхона китоблари дахлсиз бўлиб қолиши шарт, деб дуо қилган.

асарининг юзага келишида Али Қушчининг муносиб хиссаси бор. Улуғбек қатти эътибор билан унинг китоблардан қочиб Самарқанддан кетишга мажбур бўлган.

Хозирги вақтда Китоб туманида Али Қушчи қишлоғи мавзуд бўлиб, ўтган асрнинг бошида шу ерлик Мансур Хожа деган киши оғил қураётганда лоҳона остидан ясси ва катта бир тош чиққан. Тошни кўплашиб кўтарилиб олишган. Тошнинг остида 3 метрлар чамасида чуккур бўлиб, бу чуккурда 4-5 киши арқон ёрдамида туширилган. Шунда улар Ҳазрати Башир қабри бўлган тепалик остига қараб ер ости йўли борлигини кўришган.

Шўро замонида Ҳазрати Башир қишлоғи масжидидаги китоблар ҳам қаровизликдан йўқ бўлиб кетган. Бу ердаги баъзи бир китоблар Улуғбек замонидан қолган бўлиб, мол терисига ёзилган ва уни икки киши зўрға арақлагани ҳақида ривоятлар бор. Чамаси маъзур ривоятларни ҳақиқатга айлантириш, Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг нодир кутубхонасини топиш ҳозирги авлодлар зиммасига тушган кўринади.

Ахмадхон РЎЗИЕВ, тарих фанлари доктори

Фарғона шаҳрида қўл жанги бўйича ўсмирлар ўртасида республика очик биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда ўн тўрт ва ўн беш ёшдаги ёш спортчилар куч синашди.



Суратда: мусобақадан лавҳа. М. КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

БУХОРОДА ФРАНКОФОНИЯ БАЙРАМИ

Бухородаги Франция маданият марказида анъанавий тарзда ўтказилган француз тили байрами нишонланди.

Марказ мувофиқлаштирувчиси Рухонгиз Гуломованинг таъкидлашича, байрам тадбирида вилоятдаги мактаб ўқувчилари иштирок этди.

Иштирокчилар беш гуруҳга бўлиниб "Хазина излаш" ўйини, олмали пирог пишириш, шар ўйинлари ҳамда француз кўшиқлари ижрочилиги йўналишида ўзаро беллашди.

"Туркистон-пресс"

Эшитдингизми, ўқиддингизми? ГЁДЕ КЕТДИ олдинда эса бутун бир давра турибди

Оқиғи, воқеаларнинг ривожидан у охири-оқибат шундай яқун топишини билардик, десак буни ҳеч ким муболағиза йўймаса керак. Чиндан-да, немис мутахассиси Ханс Юрген Гёде терма жамоамизга бош мураббий қилиб тайинлангандан буён ўтган кеска фурсат ичида, айтиш мумкинки, бир-бир ярим йиллик уриниш хайф кетди.

Ҳа, эътироф этиш лозим, Хайдаров - Гёде жуфтлиги саъй-ҳаракат билан футболнинг халқаро майдондаги нуфузи ортиб, кўнглида илқилик йўтуғувчи бир талай ютуқларга эришилди. Бунинг бугун терма жамоамиз Жаҳон чемпионатида берилган йўлнинг унун хал қилувчи гуруҳ баҳсларида катнашаётгани ҳам тасдиқлаб турибди.

жамоага раҳбарлик қилиш вақтинча Раваҳан Хайдаров зиммасига юклатилди. Беҳитиёр бундан тўрт йил муқаддам, тўртинчи, 2001 йилнинг октябрида ўзи берган воқеалар ёдга тушади. Ушанда 2002 йилда Япония ва Жанубий Корея ашил майдонларида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида вакилларимиз қатнаша олмаслиги амалда ҳал бўлган, россиялик мутахассис Владимир Сальковга жавоб берилган.

Табиики, Ўзбекистон Футбол Федерацияси томошабин бўлиб туролмасди. Кўни кеча УФФнинг навбатдан ташқари йиғилишида мамлакат терма жамоаси атрофида юзага келган ахвал ва бош мураббий масаласи муҳокама қилинди.

Маня яна шундай қисмат соя солиб турибди. Бу ёни қандай бўлади? Аввалиги воқеалардан фарқи томони шундаки, олдинда бутун бир давра, яъни уч ўйин бор. Астойдил ҳаракат қилинса ва энг асосийси, тўғри йўл танланса, нимагадир эришиш мумкин.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси

"ҲАММА ҲАР ХИЛ, ҲАММА ТЕНГ"

Бухорода Швейцариянинг ҳамдўстлик бюроси ҳамкорлигида "Ҳамма ҳар хил, ҳамма тенг" деб номланган фотокурғазма очилди. Унда 100 дан ортиқ маҳаллий суратқашларнинг ишлари намойиш этилмоқда.

Фотоасарларда турли миллат ва халқларнинг ҳаёти акс эттирилган. Лойиқа раҳбари Шухрат Болтаевнинг таъкидлашича, фотокурғазмини ташкил этишдан кўзланган мақсад, томошабинларда ўзга миллат вакилларининг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари ҳақида тасаввур ҳосил қилишдан иборат.

Каноп гулхайрилар оиласига мансуб ўсимлик бўлиб, ватани Жанубий Африкадир. У Хиндистон, Хитой, Вьетнам, Индонезия, Бирма, Миср, Бразилия, Эрон, Куба, Покистонда ҳамда Африка мамлакатларида кенг тарқалган.

Бу ўсимлик дастлаб 1880-йилларда Россияда таъриба учун экилган. Ўзбекистонда каноп даставвал Фарғона vodiysида экилган. Бошқа гулли ўсимликлардаги каби канопнинг ўсиш жараёнида ҳам навбат билан бир қанча аъзолар - илдиш, поя, барг, шох, гуллар пайдо бўлади.

Каноп дала шароитида бир йиллик ўсимликдир. Иссиқхонада эса поясининг ер устки, ҳосил берадиган қисми хар йили нобуд бўлса, 3-4 йил, ҳатто бундан ҳам кўпроқ яшайди. Канопнинг илдиш системаси яхши ривожланган. Унинг асосий ўқ илдиши юза, атиги 30-40 сантиметр чуқурликда жойлашади.

Канопнинг гули гулхайрилар оиласига мансуб ўсимликлар гулига ўхшаб, гултожи беш бўлмадан иборат, жуда йирлик, очилган тожининг диаметри 7-8, ҳатто 12 сантиметр келади. Гуллар гулдор пояннинг юқори қисмида 5-7 миллиметр келадиган қисқа гулбанддаги барг қўлига жойлашади. Канопга озик етишмаганда ёки сернам ерда қалин ўстирилганда гулларини тўкиб юборади.

Биласизми?

Поя учун экиладиган каноп кўп сува талаб қилади. Усиш даврида у камида етти марта суғорилади. Ҳўш, шунчалик «инжик» ва нозик ўсимликни ўстиришдан мақсад нима? У инсон учун қандай наф келтиради? Каноп толаси ингичкалиги, илақдек майинлиги, жуда пишқилиги ва яхши йиғирилиши билан ажралай туради.

ИНЖИФ-У, ЛЕКИН СЕРХОСИЯТ

рангда спирал тарзда тартиб билан жойлашиб, йирик, банди узун бўлади. Канопнинг гули гулхайрилар оиласига мансуб ўсимликлар гулига ўхшаб, гултожи беш бўлмадан иборат, жуда йирлик, очилган тожининг диаметри 7-8, ҳатто 12 сантиметр келади. Гуллар гулдор пояннинг юқори қисмида 5-7 миллиметр келадиган қисқа гулбанддаги барг қўлига жойлашади.

Каноп механик таркиби бўйича ўртача энгил ва энгил ўртакли майрдонларда яхши ривожланади. Чунки бундай ерларда тупроқ яхши қизийди, наво сизими ортади, ҳавони ўзидан яхши ўтказиши.

Биласизми?

Поя учун экиладиган каноп кўп сува талаб қилади. Усиш даврида у камида етти марта суғорилади. Ҳўш, шунчалик «инжик» ва нозик ўсимликни ўстиришдан мақсад нима? У инсон учун қандай наф келтиради? Каноп толаси ингичкалиги, илақдек майинлиги, жуда пишқилиги ва яхши йиғирилиши билан ажралай туради.

ИНЖИФ-У, ЛЕКИН СЕРХОСИЯТ

кўрсатади, ўсимликдаги физиологик жараёнлар бузади. Сизот сувлар юза жойлашган майдонларда каноп ўсишдан қолади. Баргларда тўқ бинафша ҳошия пайдо бўлади. Бу экинда фосфор танқислиги аломатидир. Чунки ўта сернам тупроқда фосфор кўп бўлса, уни ўсимлик ўзлаштира олмайди. Шунингдек, қумлоқ ва шўрхок ерларда ҳам каноп етиштириб бўлмайди.

Булардан ташқари, каноппоя тўпонидан қозғоқ, картон ва айрим бинокорлик материаллари тайёрланади. Канопни қайта ишлаш жараёнида барг, чаноқлардан ҳосил бўлган чиқиндилардан ўғит сифатида фойдаланиш мумкин.

Н.САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади

Информация о существенных фактах (событиях, действиях), затрагивающих финансовую деятельность Государственно-акционерной страховой компании «Кафолат».

ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ - 07 НАСТУПЛЕНИЕ ДАТЫ ЗАКРЫТИЯ РЕЕСТРА 04.04.2005 Г. Наблюдательным Советом ГАСК «Кафолат» (Протокол №39 от 04.04.2005г.) принято решение о составлении списка акционеров ГАСК «Кафолат» на 05.04.2005г.

УВАЖАЕМЫЕ АКЦИОНЕРЫ ГОСУДАРСТВЕННО-АКЦИОНЕРНОЙ СТРАХОВОЙ КОМПАНИИ «КАФОЛАТ»

В соответствии с решением Наблюдательного совета ГАСК «Кафолат» Годовое общее собрание акционеров ГАСК «Кафолат» состоится 5 мая 2005 года в 11.00 в здании Дирекции ГАСК «Кафолат» по адресу: г. Ташкент, ул. Мовароуннахр, 13А.

ПОВЕСТКА ДНЯ:

- 1. Утверждение состава счетной комиссии Годового общего собрания акционеров.
2. Утверждение регламента проведения Годового общего собрания акционеров.
3. Отчет Генерального директора ГАСК «Кафолат» о результатах финансово-хозяйственной деятельности Компании по итогам 2004 года и основных направлениях развития Компании на 2005 год, утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса Компании и аудиторского заключения по итогам проверки за 2004 год.
4. Отчет Ревизионной комиссии и избрание ее членов.
5. Отчет Наблюдательного совета и избрание его членов.
6. Утверждение распределения чистой прибыли ГАСК «Кафолат» по итогам деятельности в 2004 году.
Регистрация акционеров-участников собрания проводится с 10.00 до 10.55 по вышеуказанному адресу.
Список акционеров, имеющих право на участие в Годовом общем собрании акционеров, составлен по состоянию на 5 апреля 2005 года.
Просьба иметь при себе паспорт, доверенность (в случае представителя организации) заверенную нотариально. Доверенность должна содержать следующие сведения о представителе организации: фамилия, имя, отчество, паспортные данные, занимаемая должность и подпись руководителя организации. Также в доверенности должно быть указано количество принадлежащих Вам акций.
Справки по телефону: 133-27-31, 133-26-98 Наблюдательный совет ГАСК «Кафолат»

Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаб уюшма Марказий Кенгаши, вилоятлар касаб уюшма кенгашлари ва касаб уюшма Марказий Кенгашининг худудлар бўйича вакиллари касаб уюшма Марказий Кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича вакили Эргаш Буриевага волидаи мухтарамаси ХУШРЎЙ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиков, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган; Босишга топшириш вақти - 21.00; Топширилди - 22.00

Маншумиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134; Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган; ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақотирида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.